



ТИЛАК

Бугун бутун дунё нигоҳи Шимолий Америка қитъасига қаратилган.

АҚШ, Мексика ва Канада яшил майдонларида роса бир ҳафтадан кейин бошланган футбол бўйича навбатдаги Жаҳон чемпионати – мундиал миллиардлаб мухлислар юрагини ҳовлиқтирмоқда. Уммон ортида бошланаётган ушбу халқаро футбол байрами бу гал биз, ўзбекистонликлар учун бутунлай бошқача, тарихий аҳамиятга эга. Зеро, футбол тарихида илк бор Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу энг нуфузли мусобақада иштирок этади.



“ШУНИ БИЛИНГКИ, БИЗ ДОИМ СИЗЛАР БИЛАНМИЗ!”



Футбол ҳақида гап кетганда устоз Эркин Воҳидов бир воқеани айтиб берганди. Атоқли устозлардан бири билан қайсидир вилоятга сафарга боришга тўғри келиб, Эркин ака у кишининг эшиқларига борипти. Ҳовлига кирса, катта устоз айвонида сарпойчан ўқич телевизорга қараб, алағда ўтирганмиш. Эркин ака “Ҳа, устоз, тинчликми?” деб сўраса, оқсоқол “Футбол бўляпти, бизниқилар ўйнаяпти...” депти аланг-жаланг. “Ўйнаётган бўлса, нега кўрмаяпсиз, тўқ йўқми?”

деса, кекса ишқибоз “Тўқ бор-у, юрак йўқ, яна ютқизадими, дейман-да” дермиш. Устозим бу хавотирни шарҳлаб, “Жамоа миллий бўлмаса, клуб тажриба ҳўжалиги бўлса, ахвол шу-да. Номдор клубларнинг ютуғи ўз маҳаллий футболчиларига боғлиқ...” деганлари қулоғимда.



Неча ўн йиллар давомида биз бу кунни, бу лаҳзаларни кутдик. Ҳар бир саралаш босқичида кичик хатолар, сўнгги дақиқалардаги омадсизликлар ёки аламли мағлубиятлар қалбимизни тирнаган эди.

Аммо ўзбек халқи умид узмади. Ва ниҳоят, Президентимизнинг футболга қаратган эътибори, янги авлод вакиллари, мураббийларнинг тинимсиз меҳнати ва бутун халқимизнинг дуолари эвазига миллий терма жамоамиз Шимолий Америка йўлланмасини қўлга киритди.

Бу шунчаки спорт муваффақияти эмас, бу – бутун бир миллатнинг ғалабаси, миллионлаб қалблар орзусининг рўёбидир!

Мазкур тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштирди, минг-минглаб ёшларимиз учун

илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланди. Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини чандон оширишга хизмат қилди.

Ўзбекистон халқи учун футбол фақат ўйин эмас. Бу – бирдамлик, жипслик тимсоли. Ушбу тарихий воқеалик биз буюк халқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Йигитлар майдондаги баҳслари орқали халқнинг овози бўлди, рақиб жамоага қарши тўп билан эмас, миллий ғурур, юксак ишонч билан курашди ва ютди.

(Давоми 3-саҳифада.) ➔



БОЛАЛИК КУНЛАРИ

Хотира хикоялар

1. ЧАРХПАЛАК

Қачон эсим кирган вақтни аниқ эслайман. Бешинчи синфни битириб, олтинчи синфга ўтган эдик. Қирқ еттинчи ё қирқ тўққизинчи йиллардир, ҳар ҳолда эллингинчи йил эмас. Эллингинчи йилда ўта дабдаба ва алохону аломон билан тарғиб қилинган каттакон “Ўзбек поэзияси антологияси” деган дохй сурати ва ипаклар билан безатилган китобга умримда илк бор обуна бўлган эдим. Ул ўта шарафли китобга муҳтарам Ойбек домла хайлу ҳашам чекиб сўз ёзган эдилар. Шу дабдабали китобдан биринчи марта ўзбек шеърятининг коммунистча талқини борасида тасаввур олган эдим. Ундан олдинроқ тоғам Хусанбек Ибодовнинг кутубхонасида 40-йилда чиққан ажойиб хрестоматия билан таниш бўлганим учун тоғам бу оламшумул хрестоматияни университетга кирган йилим совға қилган эдилар. Ростини айтсам, хрестоматия билан антология ўртасида анча вақтгача аросатда қолдим. Фикримни йиғиштирилмай юрдим. Анча йиллардан сўнг ҳақиқатни илғандай бўлдим.

Одам қачон аниқ эси кирган йил ё вақтни айтиб бера олмайди. Чунки буни кўп ўйлаб ўтирмайди. Отам туб уста ширмонпаз новвой эдилар. Амакиларим ва аммаларим ҳам ширмонпаз новвой эдилар.

(Давоми 4-5-саҳифаларда.) ➔

ФАКТ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Сянган (Гонконг) махсус маъмурий ҳудуди Администрацияси раҳбари Ли Цзячао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқотда Гонконг билан икки томонлама асосда визасиз тартибни жорий этиш юзасидан ҳам келишувга эришилди.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтаётган Глобал экологик жағраманинг саккизинчи ассамблеяси иштирокчиларига табрик йўллади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов комиссиясининг 35-сессиясида миллий маъруза билан иштирок этди.

БАТАН МАНЗУМАСИ

Юрт қуёши мангу сўнмас

Муҳаббат гуллари кўксинг баҳорида мудом сўлмас,
Ватан ишқи умрбоқий, у мангу завоул кўрмас,
У бир сўзки, Қуёш янглиғ бағишлар нур, ўлим билмас,
Усиз жонингда жон йўқдир, баҳорлар ҳам баҳор бўлмас,
Юрак айтур, юрак айтур: “Ватандин яхши ёр бўлмас!”

Гўзал жаннат эрур боғлар, томирларда жўшар қонлар,
Ўз элида бахтиёрдир меҳнатсевар, хур инсонлар,
Янги Ўзбекистон элга очиб берди зўр имконлар,
Минг шукрим, қўл дуода, дуоли эл завоул билмас,
Юрак айтур, юрак айтур: “Ватандин яхши ёр бўлмас!”

Ватан тупроғига бир туп ниҳол экомқ эмас осон,
Бугун ўзбек шиддатидан қўхна дунё лолу хайрон,
Ватан саодатин кўзлаб ором билмас улуг Сарбон,
Дуолар кўкка ўрлайди, юрт қуёши мангу сўнмас,
Юрак айтур, юрак айтур: “Ватандин яхши ёр бўлмас!”

Шукр неда? Шукр, элим, меҳнату бахт-саодатда,
Гўдақларнинг қувончида, Яратганга ибодатда,
Шукр қилдим бу кунларга ижоду руху роҳатда,
Элим, бошинг баланд бўлсин, сен эккан ниҳоллар сўлмас,
Юрак айтур, юрак айтур: “Ватандин яхши ёр бўлмас!”



Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ЭЪЗОЗ



БУЮК ХИЗМАТЛАР УНУТИЛМАЙДИ!

Бугунги кунда инсон қадрини улуғлаш, аждодлар хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасида ҳаётга татбиқ этилаётгани барчани бирдай қувонтирмоқда. Яқинда ўзининг ёрқин истеъдоди, кўп йиллик самарали ижодий фаолияти билан келажак авлодлар учун бебаҳо мерос қолдирган, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маърифий-бадий тафаккури ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юртимизда маданият, санъат ва адабиёт

соҳаларини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорлар давлатимизнинг юксак ордени билан мукофотланди. Президент фармонидаги рўйхатни бирма-бир ўқир экансиз, қувонч ва ҳаяжон бутун борлигини қамраб олади. Зеро, рўйхатда номлари зикр этилган ҳар бир ижодкорнинг бетақор ва умрбоқий санъати сизу биз учун бирдай азиз, бирдай қадрдондир.

(Давоми 8-саҳифада.) ➔

ЧАМА



ДАСТУРХОН ВА ДАСТУРИЛАМАЛ

- Олимлар нима дейди?
- Ўзбекистон нималарга эришди?
- Биз ўзимизни қандай тайёрлашимиз керак?

Дунё аҳолиси ҳар йили миллионлаб одамга кўпайиб бормоқда. Ер юзиде бугун 8 миллиард 200 миллион инсон яшаяпти, 2050 йилга бориб бу рақам 9-10 миллиарддан ошади, деб таъкидламоқда олимлар. Демак, ҳар кун эрталаб дастурхон атрофида ўтирадиган оила аъзолари сони билан бир қаторда, уларни боқадиган далапар ва сув манбалари самарадорлиги, технологиялар ривожини ҳам ортиб бориши лозим.

Шу ерда биз ўзимизга жуда оддий, лекин жавоби мураккаб бўлган бир саволни беришимиз керак: 2050

йилда инсониятни ким боқади? Бу савол Ўзбекистонда ҳам ўта долзарб – зеро, мамлакатимизда ҳам аҳоли сони ўсмоқда, иқлим ўзгармоқда, сув захирапарни эса қаймамоқда.

Аммо яхши хабар ҳам йўқ эмас: мамлакатимиз охириги 8 йилда айнан шу муаммоларга режали ва изчил тарзда жавоб тайёрлаб келмоқда. Ахир, халқимизда “Режали иш бузилмас”, “Ҳар бир ишнинг чамаси бор”, “Ўйламаган ўқинар” сингари доно мақоллар бежиз айтилмаган.

(Давоми 6-саҳифада.) ➔



ДИЛ СЎЗИ

Санъат саодати

Г'ийс БОЙТОЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

дим, деган ўй кечди.

Асосий ҳаяжон тақдирлаш маросимида бошланди. Ўзимиз шогирдларга ҳаяжонни енгилни, сахнада ўзини қандай тутишни ўргатамиз. Лекин Давлат раҳбари билан учрашиш, кўлидан мукофот олиш мутлақо ўзгача жараён экан. Президентимизнинг очиқ чеҳраси, ижодимиз ҳақидаги эътирофи кўнглимни осмонча кўтариб юборди. Самимиятдан хурсанд бўлиб кетдим.

Президентимиз нафақат бир ғуруҳ ҳамкасбларимизга мукофот топширди, айни пайтда юртимиздаги барча ижодкорлар учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қирқ банддан иборат “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони бунинг энг ёрқин тимсолидир.

Энди бизнинг вазифамиз – Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга бутун қалбимиз, ижодимиз, фикрларимиз билан “лаббай” деб жавоб бериш. Президентимиз эътибори, мухлислар муҳаббати ва санъатсевар халқимиз дуолари билан янги замонга муносиб ижод қилишга ҳаракат қиламиз!

Мавзур МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми:

қанчалар диққатталаб эканини ҳис этиш мумкин. Лекин охир-оқибат, қилаётган меҳнатимиз фарзандларимиз тарбиясига ҳисса қўшаётганидан мамнунлик туямиз. Шундан хурсандманки, мультфильмлар болаларни яхшиликка қорлайди, уларни ҳаётга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан Болалар контенти ривожлантириш маркази фаолияти йўлга қўйилди. У киши катта-катта йиғилишларда, учрашувларда миллий контент яратиш ва тарқатиш масаласига ургу беради. Нима учун? Бунинг сабабини куни кеча ўтган учрашувда аниқ ва мазмундор қилиб тушинтириб берди: “Бизга миллий руҳни уйғотадиган санъат керак, халқни илҳомлантирадиган адабиёт керак, ёшларга фахр ва ифтихор берадиган кино керак, қалбларни жунбишга келтирадиган мусиқа керак, одамнинг ўзини англашга ундайдиган театр керак”.

Шундан келиб чиқсак, бугун бола қайси мультфильмни кўраётган бўлса, унинг дунёқараши калити ишлаб чиқарувчи кўлида бўлади. Шу маънода, миллий анимация соҳасини янги босқичга кўтариш бизнинг бурчимиздир.

Илмира РАҲИМЖОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:

айтолмадим. Энди миннатдорлигимни амалий фаолиятда кўрсатиш тараддудидаман.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев учрашувда яна бир қимматли фикрни илгари сурди: “биргина спектакль жамият тафаккурини уйғотади”, “одамнинг ўзини англашга ундайдиган театр керак”. Жадид бобоимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий “Театр бу ибратхонадир” деган бир аср аввал. Бугун бундай театрни яратиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

2026 йил 1 сентябрдан бошлаб нодавлат театр ва театр-студияларнинг ҳар йили 50 та сахна асари яратиш ҳаражатлари, ҳар ойда хусусий бинони ижарага олиш ҳаражатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериладиган бўлди. “Art house Hamsa” хусусий театри раҳбари сифатида бу имтиёзлар мени ва жамоамизни бениҳоя қувонтирди.

Президентимизнинг инсон қадрини, адабиёт ва санъат ривожини учун қайғураётгани, шунчалар қуюниб ишлаётгани ҳаммамизга ўрناк бўлиши керак. Ўзимга шундай ҳулоса чиқардим: ҳали олдинда қиладиган ишларим кўп, ҳозирги ҳаракатларим етарли эмас, халқимизга етук образлар тақдим этиш йўлида янада кўпроқ изланишим зарур.

Гулчехра УМАРОВА ёзиб олди.

ҚУТЛОВ

Устоз адиблардан бири мамлакатимизда кечайётган кейинги даврни, “таъбир жоиз бўлса, адолат даври деб атаган бўлардим” дея лутф этганди. Ҳақиқатан, мухтарам Президентимиз олиб бораётган Янги Ўзбекистон ислохотларининг бош мезони адолат экани барчамизга кундай равшан.

Биз бу муҳим омилни барча жабҳада, жумладан, ижодкорларга нисбатан муносабатда ҳам яққол кўряпмиз. Куни кеча давлат мукофотлари билан тақдирланганларнинг барчаси ижтимоият томонидан илиқ кутиб олинди, одатий муҳокамаларда эътирозлар кўрилмади. Жумладан, бизнинг жадидчи ҳамкасбларимиз Шухрат Азиз ва Шахриёр Шавкатнинг

“Шухрат” ҳамда “Келажак бунёдкори” медаллари билан сийлангани нафақат жамоамиз аъзоларини, балки кенг афкор оммани ҳам мамнун этди.


Шухрат Азиз чорак асрдан бери матбуот жонкуяри ва ўзига хос шоир сифатида элимиз назарида бўлса, Шахриёр Шавкат навқирон шоирлар сафининг пешқадамларидан саналади. Хуллас, мукофот ўз эгасини топди! Адолат русуми яна бир қарра ўзининг ойдин жамолини кўрсатди.

Азиз газетхонлар, агар изн берсангиз, Сизнинг номингиздан ҳам бу икки заҳматкаш ижодкор дўстларимизни яна бир бор қутлаб, уларга бағрибутунлик, илҳом ва ғайрат тилаб қоламиз!

ТАҲРИРИЯТДАН

“ Давлатни иқтисод кўтаради, қонун бошқаради, армия ҳимоя қилади. Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажаги мустаҳкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетини кучли бўлади. Битта яхши асар, таъсирчан қўшиқ миллиятнинг руҳини кўтаради, биргина спектакль жамиятнинг тафаккурини уйғотади, кинодаги бир образ бутун авлоднинг қарашини ўзгартиради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шухрат АЗИЗ,
“Шухрат” медали соҳиби

Шухрат ёрлиғи

Сен – менинг ичимсан, суягимдирсан,
Суянганимдирсан – мағрур ва ўктам.
Афсуски, эмассан, юрагим, бир сен,
Шу югур-югурлар жонидан ўтган.

Узангига қўли етмай, кўкариб,
Қалтираб турган бир ғариб, бенажот
Гўдак эдинг, шундоқ бошга кўтариб,
Эгарга чиқариб қўйганда оқ от.

Сен шухрат ортидан кетдинг: “Мен ўзим –
Шухратман”, деб сендан фарқли ўлароқ,
Шухрат топмасам ҳам у дам, тойчоғим,
Изласам бўларкан ўзимни кўпроқ.

Ўзимни топмасам, ёқмаса турқим,
Кўпайтириб нима қилдим қорани?!
Олмасам, лоақал Худодан қўрқиб,
Ўзим билан очиқ қилиб орани!?

Ёт суяк ташласа итдай ишлатиб,
Кўрсаму мен уни отамдан афзал,

Наҳот ўз отамни юрак ушлатиб,
Қилсам икки дунём тақдирини ҳал?

Оҳ, онам кўнглидан чиқсам-чиқмасам,
Борини берса-ю – даста-дасталаб –
Мен унинг кўнглига қарамасам ҳам,
Наҳот суратимга қўйса аста лаб?

Нафим тегмаса-да, жим Ватан бўлиб
Бир умр бошимни силаган шу зот,
Беминнат ош-нону жону-тан бўлиб,
Меҳримга зор бўлиб ўтирса наҳот?!..

Бадали оғир ҳар қандай хатонинг,
Ўйнашгим йўқ тақдир қуюни билан.
Тортиша олмайди ўғил отанинг
Ўзи туғул оёқ кийими билан.

Бу шухрат ёрлиғи, шавқи – бир қултум,
Бўғзимни тирнаган гул эрур, тилмас.
Эй, отаўғил, мен ўзимни билдим,
Ўзини билмаган Ватанни билмас.

Ҳазратим

Хуш келарми сизга келганим?
Қайтмайдим кўнглингиз, қайтсам?
Сағанангиз атрофида жим
Номингизни шивирлаб айтсам:
Ҳазратим...

Яёв борсам сизга, ўртаниб,
Ялангоёқ, мункиб, эмраниб.
Бўталоқдай тойиб, тебраниб,
Айтиб-айтиб асрий ҳасратим –
Ҳазратим?

Вазмин-вазмин ташларман қадам,
Мўътабарсиз, мангу муҳтарам.
Тиз чўкмаган ғуруримни ҳам
Фақат шу он учун асрадим –
Ҳазратим!

Қайга борай, ўзимдан ўзиб,
Ҳалқираман ўзимдан-ўзим,
Дуоларим узундан-узун,
Аброрлардан улғи ҳайратим,
Ҳазратим!

Ўзбекистон аҳлидан мудом
Келтирарман сизга ассалом...
Бўлиб Мажнун, Фарҳоду Баҳром,
Айтадирман сўнгсиз раҳматим,
Ҳазратим!

Хирот.
09.02.2026

Шахриёр ШАВКАТ,
“Келажак бунёдкори”
медали соҳиби

МУТОЛАА

Республика маънавият ва маърифат маркази тасарруфидоғи “Маънавият” нашриёти томонидан шоир Эшқобил Шукурнинг “Мегаполисдан Химолай чўққисигача” деб номланган янги китоби нашр этилди. Ушбу китобда муаллифнинг сара мақола ва эсселари жамланган.

Ҳар биримизнинг ўз кўзқарашимиз, ўз ҳаёт йўлимиз бор. Сиз билан мен бир вазиятга турлича баҳо беришимиз мумкин, ёндашувда фарқ бўлади. Бу табиий. Соғлом жамиятда турфа хил қарашларга эга инсонлар маълум бир қадриятлар асосида бирлашади. Демакки, бизни боғлаб турган ришталар, тарихимиз, бобо тилимиз, адабиётимиз, ўзбекнинг қадриятлари, ўзбекчилик... Китоб шу тўғрида. Муаллиф ёзади: “Сўз эркинлиги буюк неъмат. Аҳли фикр учун бу сув билан ҳаводай азиз. Бу неъмат бизга берилди. Лекин биз бунга тайёрийми деб ўйлаб қоламиз. Мен сўз эркинлигини катта масъулият сифатида тушунаман. Ўз сўзинг-



ни бу менинг сўзим деб айта олиш одамдан маънавий тайёргарликни талаб қилади. Одамнинг сўзи унинг ўзидир”.

Китобхон муталаага киришиб, би-

рин-кетин янги саҳифаларни очар экан, унинг кўз ўнгига ўзи билган шоир Эшқобил Шукур эмас, балки ўтмиш ва ўтиш даврларини кўрган, шу кунларда яшаётган ўзбек зиёлиси гавдаланади. Лекин китоб муаллиф ҳақида эмас. Йўқ. Ижодкор шу жамиятнинг бир кишиси ўлароқ ўз шахсий кузатувлари, ҳаётини тажрибалари, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақидаги теран мушоҳадалари билан ўртоқлашади, ўқувчини суҳбатга тартади. Ўқиш давомида суҳбатдошнинг вазмин овозини эшитиб тургандай бўласиз. Тинглай туриб, бу мулоҳазалар сизга ҳам бегона эмаслиги, унинг хавотирлари, ҳулосалари ҳаёлингиздан бот-бот ўтиб турган ўй-фикрларга эш эканига ҳайрон қоласиз.

Шунингдек, ушбу мақола ва эсселарда муаллиф тамаддун ва маданиятлар, Ер шарини башарият тақдири, замонлар силсиласи каби миқёсли мавзуларни, авлодлар алмашинуви, ўтган боболар тутуми,

зумер авлоднинг дунёни англаши, маданиятлар қоришувида ўзликни сақлаб қолишдек муҳим масалаларни ўртага ташлайди, тафаккур чигиригидан ўтказди. Китоб умум-башарий муаммоларга ечим топиб бермайди, лекин китобхон муталаадан сўнг қалаванинг бир учини тоғандай бўлади, ўзини қийнаб юрган чигал ўйлар энди бир қадар тартибга тушгандай туюлади.

Энг муҳими, қалбга ёруғлик инади. Барча даврларнинг олтин қондасини яхши англаб етгандай якуний ва қатъий бир қарорга келасиз – ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҲАМ ИНСОН БЎЛИБ ҚОЛИШ. Яъни, муаллиф таъбирича, тирикликнинг туб моҳияти, ядроси эзгуликдир:

Сезишимча, ҳаёт ҳақиқати формуласи – яшаш формуласи қўшиш ва айиришдан ҳам содда. Бу шундай: ҳеч қачон ёмон ният қилма, тўғри ниятнинг ўзи ҳақиқатдир.

Жамолiddин БАДАЛОВ

“ШУНИ БИЛИНГКИ, БИЗ ДОИМ СИЗЛАР БИЛАНМИЗ!”

Бошланиши 1-саҳифада.

Тўғри, бу ғалаба биз учун катта натижа эмас, лекин бу – катта манзил томон илк дадил қадам.

Бу оламшумул муваффақият ортида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда спорт соҳасида, хусусан, футболда амалга оширилган инқилобий ва тизимли ислохотларнинг чуқур заҳмати ётибди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан, 2018-2022 йилларда футболни янада ривожлантириш дастури қабул қилинган эди. Шу ҳужжатга кўра, истеъдодли ёшларни танлаш, кейинчалик профессионал этиб тайёрлаш ҳамда миллий терма жамоалар захирасини яратиш мақсадида 14 та худудда болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилди. Машғулот ва мусобақаларда соғлом рақобат эвазига сифат ошди. Мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларга эътибор кучайди.

2019 йил 4 декабрда Президентимиз “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон имзолади. Унда клублар фаолиятини ривожлантириш, халқаро даражадаги мутахассислар тайёрлаш, терма жамоаларнинг ўқув-машғулот жараёнини замонавий ташкил этиш, мамлакатимизда нуфузли мусобақалар ўтказиш мақсадлари белгиланган эди.

2023 йил 8 апрелда қабул қилинган оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришга оид Президент қарори ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай эътибор ва тизим тўғрйли бирин-кетин натижалар кела бошлади. 2018 йилда U-23 жамоамиз Хитойда, 2023 йилда U-20 футболчиларимиз Ўзбекистонда ўтган мусобақаларда Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Юртимизда ФИФА ва ОФК дастуридаги турнирларни ўтказиш йўлга қўйилди. Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогидида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатиغا йўлланма олганда Президентимиз ушбу қаҳрамон футболчиларимиз билан учрашиб, уларга меҳр-эътиборини изҳор қилгани кўксимизни ифтихорга тўлдирганди.

Давлат мақомида, Президент даражасида қаратилаётган эътиборга яраша халқаро спорт аренасида ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Хусусан, ФИФА президенти Жанни Инфантинонинг 2023 йил май ойида ва “CAFA Nations Cup 2025” мусобақасининг финал учрашувини стадиондан кузатиш учун Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу ташриф давомида футболни ривожлантиришга оид қатор лойиҳалар муҳокама қилинди.

Миллий футбол марказида бўлган ФИФА президенти мажмуанинг имкониятлари, машғулот шароитлари ва ёш футболчилар учун яратилган қўлайликлар билан яқиндан танишди. Бевоесита ФИФАнинг техник кўмагида замонавий Миллий футбол маркази қатори инновацион ечимларга таянган рақамли футбол



ситуацион маркази ҳам ташкил этилганидан хабардор бўлсангиз керак. Тошкент шаҳрида ФИФАнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий офисини очиш юзасидан келишув ўз-ўзидан бўлгани йўқ. ФИФА раҳбарияти мамлакатимиздаги футбол сиёсати ва халқимизнинг бу спорт турига меҳру муҳаббатини ҳис қилди, аниқроғи, азалдан шакллانган буюк ишқибозлик туйғуси дунё футболли мутасаддилари эҳёиятига етказилди. Шу тариқа, жаноб Инфантино футболсевар миллатнинг дўстига айланди ва Ўзбекистон Президенти ўзбек футболлини ривожлантириш ва халқаро майдонда илгари суришга қўшган шахсий ҳиссаси учун ФИФА раҳбари Жанни Инфантинога давлатимизнинг юксак муқофоти – “Дўстлик” орденини топириб, самимий дўстлик муносабатини, ҳамкорликни расман эътироф этди.

Янги ташкил этилган Миллий футбол маркази миллионлар ўйинини илмий ёндашув, замонавий методология ва жаҳон стандартлари асосида бошқаришнинг асосий ўчоғига айланди. Бугун ушбу марказ ўзбек футболлининг келажақ чемпионларини тарбияловчи ҳақиқий “интеллектуал лаборатория” вазифасини ўтамоқда.

Спорт инфратузилмасини янгилamay туриб, катта зафарлар ҳақида гапириб бўлмайди. Ўтган йили Тошкент шаҳрида барпо этилган, майдони 100 гектардан зиёд бўлган улугвор Олимпия шаҳарчаси Ўзбекистоннинг спорт салоҳияти нечоғлик юксак эканини бутун жаҳонга намойиш этди. Бу улкан мажмуа мамлакатимизда энг йирик спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказишга қодир эканимизни исботлади. Бундан ташқари, Янги Тошкент шаҳрида қад ростлаётган ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 55 минг ўринли янги стадион қурилиши ўзбек футболли тарихида янги даврни бошлаб беради. Ушбу муқташам арена нафақат миллий терма жамоамизнинг бош

қароргоҳига, балки яқин келажақда нуфузли қитъа ва жаҳон миқёсидаги турнирлар, Жаҳон чемпионати ўйинларини қабул қилувчи йирик спорт хабиға айланиши шубҳасиздир.

Бугунги тарихий ютуқларнинг энг кучли ҳаракатлантирувчи драйвери, шубҳасиз, Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлардир. Президентнинг футболни ривожлантиришга оид тарихий ҳужжатлари соҳани молиялаштириш манбаларини кенгайтирди, спортчилар ва мураббийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтирди, энг муҳими, бошқарув тизимини коррупциядан ҳоли, шаффоф ва самарали тизимга айлантирди.

Айнан мана шу ҳуқуқий база ўзбек футболлини маҳаллий даражадан чиқариб, жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Узоқ йиллар футболимиз ривожига ғов бўлган, иқтидорларнинг юзага чиқишига тўсқинлик қилган энг катта иллат кадрлар танловидида коррупция ва “таниш-билишчилик” эди. Илгари нафақат терма жамоага, балки клубларга ҳам футболчиларни жалб этиш жараёни кўпинча спорт принципларига зид равишда, яширин келишувлар ва буйруқбозлик асосида амалга оширилар эди. Бу эса иқтидорли ёшларнинг руҳини синдириб, уларни спортдан совутиб кўярди.

Президентимизнинг қатъий сиёсий аزمи билан мазкур иллатга бутунлай барҳам берилди. Бугун терма жамоа эшиклари фақат ва фақат меҳнат, тинимсиз машғулот, юқори профессионал даража эмас, балки табиий, соғлом ва шаффоф тарзда шакллантирилди.

Футбол – бу жамоавий ўйин, аммо унинг пойдевори ҳар бир ўйинчининг шахсий масъулиятига бориб тақалади. “Ким кучли бўлса, ўша майдонга тушади” деган тамойил бугун

Ўзбекистон миллий терма жамоасида темир қондага айланди. Мураббийлар штаби учун ўйинчи танлашда эндиликда фақат футбол статистикаси, жисмоний ҳолат ва тактик тайёргарлик мезон ҳисобланади.

Мазкур ўзгаришлар нафақат футболчиларнинг ўзига бўлган ишончини ортттирди, балки мухлисларда ҳам терма жамоага нисбатан ҳурматни қайта уйғотди. Бугунги кунда Жаҳон чемпионати сари йўл олган “Оқ бўрилар” таркибининг муносабатини кузатар экансиз, улардаги ўзаро ҳурмат ва бирлики кўрасиз. Уларнинг ҳар бири – ўз ўрнини ҳалол меҳнати билан қозонган қаҳрамонлардир. Қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчиликнинг йўқолиши, кадрлар сиёсатининг шаффофлашуви натижасида биз футболда ҳақиқий “ижтимоий лифт” тизимини ярата олдик. Бу эса ҳар бир маҳаллада тўп тепаётган болакайга “сен ҳам агар интилсанг, келгусида Жаҳон чемпионатида Ватанинг шарафини ҳимоя қила оласан”, деган умидни бермоқда.



Жаҳон чемпионати тарихида илк бор 48 та жамоа иштирок этаётган ушбу кенгайтирилган формат биз учун омадлик келди. АҚШ, Мексика ва Канаданинг энг муқташам стадионларида ўзбекистонлик футболчиларнинг тўп суриши, уларнинг дунё грандлари билан куч синашиши – чинакам ўзбек спортни мўъжизасидир. Энди дунё аҳли “Оқ бўрилар”нинг жанговар руҳи, ўзбек футболлининг ўзига хос мактаби ва шижоати билан яқиндан танишади.

Футбол жамоасининг халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари мамлакат номини дунёга таратади. Жаҳон чемпионати, Осиё, Африка, Европа чемпионати каби йирик турнирлар миллионлаб мухлислар эътиборини жалб қилади. Бундай мусобақаларда ғолиб чиққан ёки муваффақиятли иштирок этган мамлакатлар ҳақида маълумотлар бутун дунёга тарқалади. Натижада, бу мамлакатга қизиқиш ортади, туризм ривожланади ва инвестициялар жалб этилади. Мисол учун, Исландия терма жамоасининг 2016 йилги Европа чемпионатидаги муваффақияти бутун дунёга Исландия деган кичик мамлакат борлигини эслатиб қўйди. Хорватия терма жамоасининг 2018 йилги Жаҳон чемпионатидаги финалга қадар етиб бориши Хорватиянинг сайёҳлик салоҳиятини оширди ва мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Футбол нафақат имидж, балки иқтисодиёт учун ҳам катта воситадир. Йирик футбол мусобақаларини ўтказиш учун стадионлар қурилади, инфратузилма ривожланади, меҳмонхоналар ва ресторанлар бизнеси гуллаб-яшнайдди. Бу эса янги иш ўринлари яратилишига ва мамлакат бюджетига даромад келишига омил бўлади. Бундан ташқари, футбол клублари ҳомийлар билан шартномалар тузиб, рекламдан катта фойда кўради. Футболчиларнинг трансферлари ҳам мамлакат иқтисодиётига сезиларли даромад келтиради.

Футболнинг сеҳрли кучи шундаки, у одамларни бирлаштиради. Бугун Ўзбекистоннинг қайси гўшасига борманг, барчанинг тилида бир мавзу – Жаҳон чемпионати. Кўчаларда, хонадонларда, ижтимоий тармоқларда миллий терма жамоамиз либосларини кийган, байроғимизни баланд кўтарган юртдошларимизни кўриш мумкин. Жамоамиз яшил майдонга чиқиб, давлатимиз мадҳияси бутун дунёга янграган сонияларда ҳар бир ўзбекистонлиқнинг қалби ғурурга тўлиши, кўзларига севинч ёшлари келиши шубҳасиз. Бу – биз

“Биз ҳамма соҳада дунёда муносиб ўрин эгаллашга интиляпмиз. Спортчиларимиз буни тезроқ етказолади. Сизлар иродали ғалабангиз билан, халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсаси қодирлигини яна бир бор исботладигани. Бутун дунё сизнинг тимсолингизда азму шижоатли, ғурури баланд, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган Янги Ўзбекистон авлодини кўрди. Энди футболни ҳозиргидан ҳам 2-3 карра кўпроқ қўллаб-қувватлаймиз. Сиз каби ёшлар халқимизнинг ишончи, Президентнинг қувончидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

узоқ кутган ва ҳақли равишда эришган тарихий лаҳзалардир. Айниқса, бизникилар қозонган муваффақият минтақамиз, қардош давлатлар, ва ҳатто, собиқ Иттифоқ ишқибозларини ҳам бирлаштирганини айтмайсизми? Ижтимоий тармоқлардаги қозоқ, турк, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа хайрихоҳларнинг “Биз Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаймиз! Ўзбекистон бизнинг жамоа!” деган ҳис-ҳаяжонли изҳори кўнгилларини кўриб, эшитиб қалби фахру ғурурга тўлмаган юртдош топилмаса керак. Ёки футболчиларимизни тақдир тақозиси билан уммон ортида яшаётган дўстларимиз қандай кутиб олишганини кўргандирсиз? Ишқибозларимиз доираси мамлакатимиз чегарасидан чиқиб, кўз илғамас худудларгача кенгайгани чин!



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича миллий терма жамоамизни Жаҳон чемпионатида кузатиш маросимида шахсан иштирок этгани эса шунчаки спорт тадбири эмас, балки бутун бошли миллатнинг чорак асрдан кўпроқ вақт давомида кутган энг улугʻ орзуси ушалган тарихий бурилиш палласининг яққол тантанаси бўлди. Давлатимиз раҳбарининг футболчиларимизни йирик спорт форуми сари дуо бериб кузатиши, уларнинг ҳар бир ғалабасини ўз фарзандининг муваффақиятидек қалбдан ҳис қилиб, байрам қилиши халқ ва Президент ўртасидаги самимият кўприги қанчалик мустаҳкам эканини яна бир бор исботлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида фақатгина майдондаги футболчиларни эмас, балки уларнинг ортида турган энг яқин инсонларини ҳам алоҳида эътироф этди. Президентнинг футболчиларимизни тарбиялаган ота-оналарга, уларни йўлга солган фидойи мураббийларга бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиргани замирида теран инсонийлик ва азалий қадрият жамулжам.

Олдинда вакилларимизни Португалия, Колумбия ва Конго каби жаҳон футболлининг кучли ва тажрибали вакиллариға қарши муҳим баҳслар кутиб турибди. Рақиблар қанчалик кучли бўлмасин, Давлатимиз раҳбарининг футболчиларга қарата айтган мана бу сўзлари йиғитларимиз қалбида ўчмас олов ёқди: “Шуни билинги, биз доим сизлар биланмиз!” Бу сўзлар – шунчаки далда эмас. Бу – майдонда курашадиган 11 нафар йиғитнинг ортида 38 (ҳар бирига уч ярим) миллиондан ортиқ жондош турганини эслатувчи қаҳриқдир.

Президент ўз нутқида жуда ҳаётий ҳақиқатни тилга олди: футбол Ўзбекистонда аллақачон ҳар бир оиланинг самимий дўстига айланиб улгурган. Бугун юртимизда миллионлаб инсонлар футбол билан нафас олади, унинг қувончидан сархуш бўлади, ташвишига шерик бўлади. Футбол бизни бирлаштиради, жипслаштиради ва ягона байроқ остида бир тану бир жон қилади.



Мундиал сари йўлга чиққан миллий терма жамоамиз аъзолари! Энди ҳеч бир юртдошингиз сизнинг ўйинингиз натижасини гардкам тахмин қилиб, ўчиқ ойнаи ҳамон қаршисида юрак ўйнақи бўлиб ўтирмайди.

Сиз дунёнинг энг олис нуқтасида тўп сурсангиз-да, ҳар сонияда юртимизнинг иссиқ тафтини, ота-онанинг дуосини ва Президентимизнинг юксак ишончини ҳис қилиб турунг. Оқ йўл сизга, Ватан ўғлонлари!

“Оқ бўрилар”нинг зафарли юриши Шимолий Америка яшил майдонларини титратсин! Майдонда ким рақиб бўлишдан қатъи назар, йиғитларимиз орта чекинмаслигига, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига ишончимиз комил. Биз улардан нафақат чиройли ўйин, балки катта ғалабаларни ҳам кутишга ҳақлимиз. Бутун бир мамлакат, миллионлаб мухлислар уларни қўллаб-қувватлашга тайёр!

Байроғимиз Шимолий Америка осмонида ҳилпирайдиган кунлар келди.

Олга, Ўзбекистон!

Иқбол МИРЗО,
миллий жамоа ишқибози





ДАСТУРХОН ВА ДАСТУРИЛАМАЛ

Бошланиши 1-саҳифада.

2050 ЙИЛДА ИККИ ЙЎЛ, ИККИ ТАҚДИР

Франциялик Бернард Хюбер, АҚШлик Марк Розгрант, голландиялик ван Боекел ҳамда перулик Родомиро Ортиз сингари жаҳоннинг ўнлаб йиллар давомида озиқ-овқат хавфсизлигини ўрганиб келаётган олимлари 2050 йилга нисбатан икки хил сценарийни тасвирлаб берганлар.

Биринчисини улар "Agrimonde GO" деб атамоқда: бу дунё иқтисодий ўсишни ҳамма нарсадан устун қўядиган йўлдир. Бу йўлда аҳоли жон бошига суткалик калория миқдори ўртача 3590 ккалгача ошади, гўшт ва маҳсулот истеъмоли кескин кўпаяди, аммо ер ва сувнинг чекловлари инobatта олинмайди. Оқибат ваҳимали: табиат ҳалок бўлади ва бой давлатлар семираётганда, камбағал минтақалар очликка қарши кураш олиб боради.

Иккинчи йўл – "Agrimonde 1", яъни барқарор ривожланиш йўли. Бу ерда жаҳон бўйича ҳар бир одамга кунига 3000 ккал – тенг, адолатли ва экологик жиҳатдан оқилона озиқ-овқат таъминоти мақсад қилинган. Ўсимлик маҳсулотлари парҳезнинг асосини ташкил этади, сув тежаллади, ер муҳофазаси қилинади, чакана деҳқонлар ҳам бозорга чиқиш имкониятга эга бўлади.

Хўш, Ўзбекистон қайси йўлни танлади? Амалиёт кўрсаткичлари бир жавобни беради: "Agrimonde 1", яъни иккинчи йўлни.

ЎЗБЕКИСТОН: САККИЗ ЙИЛДА НИМАЛАРГА ЭРИШДИ?

Юқоридagi хавфлар ичида яшайётган бир мамлакат учун бу сўнги саккиз йилда Ўзбекистон нималарни амалга оширди?

Шу ерда рақамлар ўз сўзини айтади.

Ишлаб чиқариш ўсиши. 2016 йилга нисбатан умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмлари 4,5 баробар кўпайди.

Жумладан, сабзавот ишлаб чиқариш 10,2 дан 13,7 миллион тоннага – 134,7 фоиз, мева 2,6 дан 3,5 миллион тоннага – 133,2 фоиз, гўшт 2,2 дан 3,0 миллион тоннага – 137 фоиз, сут 9,7 дан 12,6 миллион тоннага – 130 фоиз ва тухум 6,2 миллиарддан 9,5 миллиард донага – 154 фоиз ошди. Балиқ ишлаб чиқариш эса 84 минг тоннадан 206 минг тоннага – яъни 2,5 баробарга ўсди.

Сув – энг муҳим масала. 2016 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар атиги 9,0 минг гектарни ташкил этарди. Бугун бу кўрсаткич 2,6 миллион гектарга етди: томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш ва лазерли текислаш биргаликда шу натижани берди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича Марказий Осиёда биринчи, МДХда иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринда туради.

Экспорт сакраши. 2016 йилда мева-сабзавот экспортимиз 591 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу рақам 3,2 миллиард долларга – 5,4 баробар кўтарилди.

Янада ҳайратланарлиси шуки, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспорти 28,5 миллион доллардан 1082 миллион долларга, яъни 37 баробар ошди. Бугун Ўзбекистон маҳсулоти 97 давлатда сотилмоқда.

Далаларни рақамлаштириш. 2021–2025 йилларда 20 та рақамли ахборот тизими яратилиб, амалиётга жорий этилди.

Аграр ва озиқ-овқат соҳаларига ажратилган субсидиялар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш мақсадида Аграр соҳада тўловлар агентлиги ташкил этилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги субъектларига субсидия ажратиш жараёни 4 босқичдан 2 босқичга ва муддати 31 кундан 21 кунга қисқаради.

Чорвачиликда янги зотлар. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда 2020 йилда зотдор йирик қорамолларнинг улуши 19 фоиз эди, холос. 2020–2026 йиллар хорижий давлатлардан 287 минг бош наслдор қорамол олиб келиниши натижасида бугун бу кўрсаткич 74 фоизга чиқди. Бунинг ортида аҳолиимизни сут ва гўшт билан сифатли таъминлашдек муҳим вазифа ётади, албатта.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2050 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ИККИТА МУАММОСИ:

Биринчи хавф – сув. Тоғ музликларининг эриши оқибатида, 2050 йилга бориб Амударёдаги сув оқими 15 фоизга, Сирдарёдаги сув оқими эса 5 фоизга камайиши прогноз қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз сув ресурсларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси томонидан истеъмол қилинмоқда. Мутахассислар Ўзбекистонда сув тақчиллиги 2050 йилга бориб тобора ошиб боришидан огохлантирмоқда.

Иккинчи хавф – иқлим. Ўзбекистонда 1991 йилдан бери ўртача ҳарорат +1,2°С кўтарилди. Таҳлилларга кўра, 2050 йилларга бориб, агар ўз вақтида мослашиш чоралари қўрилмаса, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги жиддий пасайиши мумкин.

2050 ЙИЛГА 7 ТА ЙЎНАЛИШДАГИ ТАКЛИФЛАР

Биринчи йўналиш – сувни янада тежаш. 2030 йилгача барча суғориладиган ерлардаги сув тежовчи технологиялар улушини 80 фоизга ва ундан юқорига чиқариш мақсади белгиланган.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бу мақсад ортида доимий янгиланиш ва пухта молиялаштириш туради. Хусусан, суғориш тизимининг эскирган каналларида 35–40 фоизга яқин сув йўқолиши ҳали ечилиши лозим бўлган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Иккинчи йўналиш – қайта ишлаш улушини ошириш. Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева-сабзавотнинг 15 фоизи қайта ишланади, холос.

Бу кўрсаткич ниҳоятда паст. Яъни, ярим тайёр маҳсулот ва консерватив ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш ва ҳозирда маҳсулотлар сақланиши ва ташилиши давридаги 30 фоизгача йўқотишлар-



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ
хўжалиги вазири, академик

ни камайтириш кейинги ўн йилликлар "Йўл харитаси"нинг марказида туриши лозим.

Учинчи йўналиш – маҳаллий овқатланиш маданиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш. Шу ўринда Хитой тажрибаси ибратли: 2025 йилда нашр этилган тадқиқот шуни кўрсатдики, Хитойнинг анъанавий таомлар стандарти Ғарб парҳезига қараганда соя, маккажўхори ва буғдой танқислиги хавфига анча чидамли экан.

Ўзбек таомлари – мевалар, сабзавотлар, дуккаклилар, сут маҳсулотлари – аслида "Agrimonde 1" идеали жуда яқин туради. Уни сақлаш нафақат маданий, балки стратегик вазифа экани шубҳасиз.

Тўртинчи йўналиш – органик ва "яшил" деҳқончилик. Европа, Яқин Шарқ ва Осиё бозорларида органик маҳсулотлар нархлари 20–40 фоизга юқори.

Бугун мамлакатимизда 6300 гектар майдонда органик мева-сабзавот парвариш қилинмоқда, лекин бу ер фондимизнинг жуда кичик улуши, холос. Шу кўрсаткични 10 баробарга ошириш – реал ва эришиш мумкин бўлган мақсад.

Бешинчи йўналиш – STEM+HECI ёндашуви: фан, технология, муҳандислик ва математикани инсонийлик, ахлоқ, ижодкорлик ва тасаввур билан боғлаш.

Бугун мамлакатимизда Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети иштирокида ташкил этилган Халқаро қишлоқ хўжалиги университети, Агрохизматлар марказлари (АКИС) ва 21 та илмий-тадқиқот институти биргаликда ишламоқда. Бу ташкилотлар йилига 100 мингдан ортиқ фермерга маслаҳат хизмати кўрсатмоқда. Шуниси эътиборга молики, бу тизимни янада ривожлантириш ва кучайтириш – 2050 йилга тайёриқнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Олтинчи йўналиш – Қорақалпоғистон ва суви кам минтақаларга алоҳида диққат қаратилиши лозим. Орол денгизи фожиаси бизга ер ва сувни бебиланска бошқариш нима-ларга олиб келишини тарихий исбот сифатида кўрсатди.

Бу минтақалар учун тузга чидамли навлар, камсув экинлар ва кам харажатли иссиқхоналар тизимини ташкил этиш 2050 йил миллий стратегиясига киритилмоғи шарт.

Еттинчи йўналиш – аёллар ва ёшларни жалб этиш. Маълумотлар шуни кўрсатадики, аёллар қишлоқ хўжалиги меҳнат кучининг 40 фоиздан ортигини ташкил этади, аммо ер, кредит, технология ва маслаҳатга уларнинг кириш имконияти эркакларга нисбатан ҳали ҳам чекланган.

Ёшларга ер ажратиш дастури доирасида 2022–2025 йилларда 677

минг нафар аҳолига 193 минг гектар ер ажратилиб, 2,5 миллион кишининг бандлиги таъминланди. Бу тажрибани изчил давом эттириш ва мустаҳкамлаш лозим.

ДАСТУРХОН ВА ДАВЛАТ: НИМА УЧУН БУ ҲАР БИРИМИЗГА ТЕГИШЛИ?

Диққат қаратамиз: озиқ-овқат хавфсизлиги – нафақат сиёсат ёки иқтисодийёт масаласи, балки бу деҳқоннинг экин-тиқинига, шаҳарликнинг дастурхонига, болаларнинг соғлиғига ва Ватанимизнинг чинакам мустақиллигига бевосита дахлдор масала.

Бугун Ўзбекистонда 540 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда – бу 2016 йилга нисбатан 4,5 баробар кўп. Лекин 2050 йилга бориб бизга яна бир неча баробар кўпроқ маҳсулот зарур бўлади, чунки аҳоли ўсади, урбанизациялашув тезлашади ва иқлим мураккаблашади.

Жаҳон олимларининг ҳисоблашича, инсоният бу муаммони ечиши мумкин: қачонки, дунё мамлакатлари ҳозирдан суғориш, аграр тадқиқот, қишлоқ йўллари, таълим ва тоза сув учун йилига 32 миллиард доллар инвестиция киритиб боса!

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистонда бу ишлар давлат, халқаро ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар ҳамкорлигида амалга оширилиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Агар фан, технология ва инновациялардан самарали фойдалансак, ҳар бир муаммони имкониятга айлантириш мумкин". Бу оқилона фикр озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига, айниқса, дахлдордир.

ХУЛОСА: БУГУН ЭКИЛГАН УРУҒ ЭРТАГА НОН БЎЛАДИ

Инсоният тарихини қузатадиган бўлсак, даладарда меҳнат қилаётган одамлар доим ҳаётнинг марказида турганига гувоҳ бўлаемиз.

2050 йилнинг реал хавфлари: сув тақчиллиги, иқлим ўзгариши, микропластик заҳарланиш, антибиотикларга чидамлилики.

Лекин жавоб ҳам аниқ: сув тежовчи технологиялар, маҳаллий навлар, органик деҳқончилик, рақамли тизимлар, STEM+HECI таълими ва адолатли бозор муносабатлари.

Ўзбекистон кейинги йилларда бу йўлдан жадал олдириб бормоқда. Рақамлар гувоҳлик берадики, мамлакатимизда мева-сабзавот экспорти, сув тежовчи технологиялар, балиқчилик кескин ошди. Лекин шуни очик айтиш керак: 2050 йил режалари учун бу ҳали бошланғич қадамлардир.

Дастурхонимиздаги нон, сут, сабзавот ва мевалар – бободеҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари самараси. Далаларимиз бугун олиб борилаётган сиёсат ва ислохотлар, экилган уруғлар ва киритилган инвестициялар билан маҳсулдор бўлади.

Шу маънода, 2050 йилда аҳоли-миз ва фарзандларимизни озиқ-овқат билан тўла-тўқис таъминлаш бугун бизнинг қўлимизда. Илм-фан, ижод ҳамда масъулият бирлашган жойда барча муаммоларга ечим топиллади.

ОЛАМ ОЛИМИ

ШИМОН САКАГУЧИ

Иммун тизимини ўрганишдаги инқилобий нобелчи

2025 йилги физиология ёки тиббиёт бўйича Нобель мукофоти "периферик иммунитет толерантлиги" соҳасидаги фундаментал тадқиқотлари учун Мери Брунков, Фред Рамсделл ва Шимон Сакагучига топширилди. Қуйида ушбу совриндорлардан бири – япон олими Шимон Сакагучининг илмий фаолияти ва унинг тиббиёт ривожига қўшган ҳиссаси хусусида сўз юритилади.



БИОГРАФИЯ

Шимон Сакагучи 1951 йил 19 январда Япониянинг Нагаҳама шаҳрида туғилган. У 1976 йилда Киото университетининг тиббиёт факультетини муваффақиятли тамомлаб, 1983 йилда тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий фаолиятининг дастлабки босқичида Аичи саратон маркази тадқиқот институтида иммун тизими ҳужайраларини ўрганиш билан шуғулланди. Кейинчалик АҚШнинг нуфузли илмий марказлари – Жонс Хопкинс ва Стенфорд университетларида тадқиқотлар олиб борди.

АСОСИЙ КАШФИЁТ

1995 йилда Шимон Сакагучи организмни аутоиммун касалликлардан ҳимоя қилувчи иммун ҳужайралари турини аниқлади. Уларни тартибга солувчи Т-ҳужайралар (Tregs) деб атади. Тадқиқотчи мазкур ҳужайраларнинг аутоиммун жараёнларнинг олдини олишдаги ҳал қилувчи ролини исботлади, бироқ уларнинг ривожланиш механизмининг ўша даврда тўлиқ аниқлай олмади.

2001 йилда Брунков ва Рамсделл оғир аутоиммун бузилишлардан азият чекувчи сичқонлар геномини ўрганиш давомида FOXP3 генидаги мутацияни аниқладилар. 2003 йилга келиб, Сакагучи ушбу ген айнан ўзи илгари сурган тартибга солувчи Т-ҳужайраларнинг шаклланиши ва функциясини бошқарувчи асосий омил эканлигини тажрибада кўрсатиб берди.

Натижада, уч нафар олимнинг изланишлари иммунитетнинг мураккаб ички назорат тизимининг молекуллар механизми ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

АҲАМИЯТИ

Сакагучи нафақат фундаментал изланишлар, балки уларнинг клиник амалиётга татбиқ этилишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. У Т-ҳужайра терапияси бўйича илмий лойиҳаларни ривожлантиришда бевосита иштирок этиб, иммун тизимини мақсадли бошқариш технологияларини такомиллаштирди. Бугунги кунда ушбу кашфиёт тиббиётнинг учта асосий йўналишини ривожлантиришда замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Иммун тизимининг ҳаддан ташқари фаоллигини сусайтириш ва соғлом тўқималар шикастланишининг олдини олиш мақсадида Tregs миқдорини сунъий ошириш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Саратон ҳужайралари кўпинча Т-ҳужайраларни ўзига жалб қилиб, тананинг иммун ҳужумидан ҳимояланади. Олимлар ушбу ҳужайралар фаоллигини мақсадли тўхтатиш орқали организмнинг ўз иммунитетини саратон ҳужайраларини йўқ қилишга йўналтириши устидан иш олиб бормоқдалар.

Орган кўчириб ўтказилганда тана янги аъзони "бегона" деб қабул қилади. Аъзонинг рад этилиш реакциясини камайтириш учун Tregs терапияси ёрдамида донор органга нисбатан иммун толерантлигини ошириш имконияти мавжуд.

Жасмина ИСРОИЛ тайёради.

